


Яхшилик ва тақво йўлидаги ҳамкорлик



14:30 / 06.05.2024 1743

Аввал хабар берганимиздек, юртимизга Ҳиндистон уламоларининг йирик намояндаси, машҳур аллома шайх Абу Бакр Аҳмад ҳазратлари ташриф буюрдилар. У киши фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келган уламолардандир.



Ёдингизда бўлса, 2014 йили шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари Ҳиндистоннинг Керала штатидаги Сунний маданият маркази раиси шайх Абу Бакр Аҳмад Муслияр ҳазратларининг таклифи билан Кожикодде шаҳрида меҳмон бўлиб, Сунний маданият марказининг 37 йиллиги муносабати билан ўтказилган анъанавий халқаро илмий-амалий анжуманда иштирок этган [эдилар](#).



Ушбу тарихий учрашув нафақат икки олим ўртасида, балки икки қардош халқ, икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида ташланган катта қадам бўлган эди. Ушбу ҳамкорлик муносабатлари шайх ҳазратларининг вафотидан кейин ҳам бардавом бўлмоқда.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Яхшилиқнинг яхшиси - отанинг дўстлари билан силаи раҳм қилишдир**», деганлар (имом Муслим ривоят қилган).

2016 йилда фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг фарзандлари Исмоил Муҳаммад Содиқ бошчилигидаги бир гуруҳ уламолар мазкур ҳадиси шарифга амал қилган ҳолда, хайрли ниятлар билан Сунний маданият марказининг таклифига биноан Ҳиндистонга бориб, навбатдаги халқаро анжуманда иштирок [этдилар](#).



Шайх Абу Бакр Аҳмад ҳазратлари бу ташрифдан ниҳоятда мамнун бўлиб, дўсти билан сўнги бор 2014 йилда учрашганини кўп эслаган эдилар, шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг Мовароуннаҳр диёри ва унинг уламулари ҳақида маърузалари, университет битирувчилари, ўқитувчилари ва меҳмонларидан иборат минглаб тингловчилар бу маърузани диққат билан эшитиб, кўплаб фойдалар олганини таъкидлаган эдилар. Самимий суҳбат сўнгида шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг ҳақларига, халқимиз ҳаққига, юртимизда улкан

ислоҳотларга бош-қош бўлаётган юртбошимизнинг ҳақларига ҳам кўпдан-кўп дуолар қилинган, Ватан равнақи йўлидаги хайрли ишларида омад ва зафарлар тиланган эди.

2018 йилда Сунний маданият марказининг бир гуруҳ вакиллари Ўзбекистонда меҳмон бўлиб, Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги зиёратгоҳларни, жумладан, имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилишган, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан танишишган эди.

Аллоҳ таоло устозларимизнинг илм йўлидаги саъй-ҳаракатларини, Ўзининг розилиги йўлидаги ҳамкорлик фаолиятини бардавом қилсин, хайрли ишларида ажру мукофот, баракот бериб, икки дунё учун манфаатли қилсин! Ўтган устозларимизнинг охиратларини обод айлаб, набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга қилсин!